

Ўзбекистондаги тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳити ғоят қадрли



Тошкентда "Декларациялар мулоқоти" халқаро форумининг иккинчи куни ҳам фаол мулоқотлар руҳида ўтмоқда. Форум иштирокчилари мазкур анжуманнинг аҳамияти ва ундан кутилаётган натижалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди.

Грек Митчелл:

"Халқаро эркин диний эътиқод" ташкилоти асосчиси (АҚШ):

— Ўзбекистондаги бугунги тинчлик ва ҳамжиҳатлик муҳити ғоят қадрли ва биз бу жараёнда мамлакатингизда амалга оширилаётган қизғин ислоҳотларни олқишлиймиз. Ўзбекистон кўпмиллатли мамлакат сифатида ўз худудида диний бағрикенглик ва миллатларо тотувликни таъминлай олаётган давлат сифатида ҳам танилган. Бу ҳақда гап кетганда, юртингизда виждан эркинлиги таъминланганини, турли дин вакилларига ўз эътиқодини эмир-эркин амалга ошириши учун шароит яратилганини таъкидлаш ўринли бўлади. Диний таълим олиш, энг муҳими, дин, аввало, тинчлик ва эзгу мақсадлар тарғиботчиси бўлиши кераклиги йўлидаги Ўзбекистон саъи-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Бугун дунё таҳликали бўлиб қолди. Турли диний низолар, қуролли тўқнашувлар, миллатлараро қарама-қаршиликларга гувоҳ бўлиб турибмиз. Ана шундай шароитда биз, барчамиз бирлашишимиз, дунёни, ўз эркин ҳаётимизни турли хавф-хатарлардан ҳамжиҳатлик йўлидаги ҳаракатларимиз билан қутқаришимиз ҳар қачонгидан-да долзарб.

Тошкентда ўтаётган "Декларациялар мулоқоти" халқаро форумининг асл мақсади ҳам шу. Бугун, иккинчи кундирки дунёнинг кўплаб мамлакатларидан келган вакиллар билан ана шу мақсадда яқдил ҳаракатдамиз. Турли фикрлар, мулоҳазалар билдириляпти. Ишонамизки, Тошкент форуми, юртингизда ўтган бундан олдинги халқаро тадбирлар самарали бўлгани каби, кутилган натижадорлик касб этади.

Манба